

ABOUT THE MONUMENT TO THE KAZAKH POET ABAI KUNANONBOEV

Akhmedov Tokhirjon son of Bakhodirjon

Educational Direction 4th year student

Named after Kamoliddin Behzod National art
and design institute of fine arts faculty "Sculpture"

Abstract: In this article I describe in my works the great poet Abai Kunanbayev, the founder of Kazakh literature, a true scientist, who spared no effort to improve the lives of the people, and in the next statue he said that the Kazakh people are rich.

Keywords: Feudal, relief, philosopher, landscape, lyric, philosophical, ideological ideas.

The author of the sculpture is Akhmedov Tokhirjon "About the monument to the Kazakh poet Abai Kunanonboev., Material – Plasticine. bronze color, Size 40x16x16. Winner of the State Scholarship named after Kamoliddin Behzod in 2021.

ABOUT THE MONUMENT TO THE KAZAKH POET ABAI KUNANONBOEV

Akhmedov Tokhirjon son of Bakhodirjon

Educational Direction 4th year student


Named after Kamoliddin Behzod National art
and design institute of fine arts faculty "Sculpture"

Аннотатсия: Мазкур мақолада мен ҳақиқий илм эгаси қозоқ адабиётининг асосчиси булган Абай Кунанбаевнинг нақадар буюк шоир эканлигини ўз асарларимда тасвирланиши, халқ ҳаётини янада яхшилаш учун ўзининг жонини ҳам аямаганлиги, кейинги хайкалимда Қозоқ халқини бой табиатини ифода этганлигим ҳққида сўз юритилади.

Калитсузлар: феодал, релеф, файласуф, пейзаж, лирика, фалсафий, ғоявий фикрлар.

Инсон тафаккури жуда бойдир ҳаётни аглаши учун кўп илм ва билимларни ўзлаштиришига тўғри келади, Мен ҳақиқий илм эгаси тафаккур нуруни сочувчи ижодкор шоир тимсолини яратишга қарор қилдим, Бу инсон шоир, маърифатпарвар ва файласуф, янги қозоқ миллий адабиёти ва қозоқ адабий тилининг асосчиси бўлган. Мен катта кўрик танловда қатнашиб мукофотга сазовор бўлиш учун бу асарни яратишга қарор қилмадим мен шу инсонга қизиқиб қолиб, ҳарактерини топиб юрагимдан ҳис қилиб ҳаёлан унинг сиймосини кўз олдимга келтириб у билин ҳаёлан бирга бўлганимдан мамнун ва миннаддорман.

Менинг қаҳрамоним у халқ ва ҳукмрон элатлар ўртасидаги антагонистик қарама-қаршиликларни очиб берди. У қабилалараро жанжалларга қарши норозилик билдирди, жамиятнинг беҳаёлик ва феодал ахлоқларини танқид қилди. Абай инсонпарварлиги ва адолатпарварлиги билан оддий инсонлардан ажралиб турган инсон эди. У жамиятнинг иқтисодий негизини ўзгартиришда ҳамма нарсадан олдин халқ ҳаётини яхшилаш йўлларини кўрди.



Абай Кунанбоев.2020-йил

Буюк шоир Қозоқ халқини келажакдаги манфатлари учун ўз жонини ҳам фидо қилишга тайёр инсон булган эди. Мен асаримда шоирни тасвирлаш билан бирга Қозоқ халқининг тинч миллат эканлиги миллийлиги ва уларнинг табиати ва ҳайвонат олами, урф одатларини очиб бердим.

Асаримда ижодкор шоирнинг нақадар теран илмга эканлигини очиб беришга ҳаракаи қилдим, қўлида китоб ушлаган ҳолатини тасвирладим бундан кўриниб турадики бу шоирнинг чуқур илм эгаси эканлиги Қозоқ халқи учун кўплаб ўлмас барҳаёт асарлар яратганлиги, унинг серқирра илм, нур ва зиё яратувчи инсон эканлигини тасвирлаб бердим. Абай Кунанбоев пейзаж ва севги лирикаси элементларини фалсафий умумлашмалар ва таълимий ва гуманистик ғоялар билан бирлаштирди. Абайнинг бадиий янгилиги шеър мазмуни мавзусининг янгилинишида намоён бўлди. У ҳақиқий буюк Қозоқ ижодкори эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим.



Кейинги орқа рельеф эса Қозоқ элининг серкүёш улка эканлиги бой табиати ва ҳайвонат оламга бойлигини очиб беришга ҳаракат қилдим, табиатининг гўзаллиги ва забардаст тоғларининг виқор ила туриши инсонни ўзига тортади. Уларнинг миллий чодир уйлари ва отлар дунёси инсонни ақлбавор

ҳисларга чулғайди. Мен ўз асаримни мукамал тарзда ғоявий фикрлар билан тасвирлашга ҳаракат қилдим, Асосан Абай ҳаёт йўлининг қизиқарли эканлигини акс эттиришга ҳаракат қилдим, томошабинларнинг ҳайратини кучайтиришга ҳаракат қилдим ва бу натижага эришдим деб ўйлайман.

Қозоғистон Республикасида талабалар ўртасида ўтказилган халқаро конкурсида шоир, файласуф, сиёсатчи, ўқитувчи, бастакор Абай Кунанбаев таваллудининг 175 йиллигига бағишланган «Буюк дала тулғаси» (Қозоғистон даштининг буюк ўғли) номи халқаро танловда ушби асарим билан қатнашиб Россия, Қозоғистон, Жанубий Корея, Ўзбекистон давлатлар ичида Гран-при соҳиби бўлганман.